# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 12 июнь, № 116 (6299) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## БМТ БОШ КОТИБИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

*Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун 11 июнь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.*

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг БМТ делегацияси Кўксарой мажмуида ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

БМТ Бош котибининг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасидаги асосий тадбирлар 12 июнга мўлжалланган.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг учрашув ва музокаралари чоғида ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, минтақавий ҳамда халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама этилади.

Ташриф доирасида БМТ Бош котиби Бухорода ҳам бўлиб, шаҳарнинг қадимий тарихи ва меъморий ёдгорликлари билан танишади.

**ЎзА.**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



## Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2014 йилдаги ҳамда 2015 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси кўриб чиқилди

*11 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Унда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқида истиқболда мамлакатимиз иқтисодиётида туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратишни, модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларини изчил давом эттиришни асосий вазифалар сифатида белгилаб берди.

Депутатлар шунга таянган ҳолда, куннинг биринчи ярмида парламентнинг мамлакатимиз Конституциясида белгиланган ваколатларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2014 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини батафсил кўриб чиқдилар.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ижроси устидан парламент назорати доимо депутатлар корпусининг диққат-эътиборида туради. Ушбу йўналишда аниқ тизим йўлга қўйилган бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси якунларининг қўмиталар, сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи мажлисларидаги дастлабки тарзда муҳокамаси киради. Йиғилишлар якунида депутатлар бирлашмаларининг тегишли қарорлари қабул қилиниб, нуқтаи назарлари шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2014 йилдаги ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — молия вазири Р. Азимов маъруза қилди.

Қонунчилик палатаси мажлисида иқтисодиётда 2014 йил давомида эришилган ижобий таркибий силжишлар, сифат ўзгаришлари ва ижобий тенденциялар, шунингдек, самарали пул-кредит ҳамда солиқ-бюджет сиёсатининг амалга оширилиши мамлакатимизни ривожлантиришнинг юқори суръатларини сақлашнинг муҳим шартлари бўлиб, аҳоли бандлиги ва даромадининг ўсишига кўмаклашди, давлат бюджетининг йил бошида ЯИМга нисбатан белгиланган 1 фоиз тақчиллик ўрнига ЯИМга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этилишига имкон бергани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2014 йилдаги ижроси асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг юқори суръатларда ўсишини тавсифловчи мустаҳкам ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитларида амалга оширилди.

2014 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) 8,1 фоиз ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоиз ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичдан паст бўлди ва 6,1 фоизни ташкил этди.

(Давоми 2-бетда).

# ЭЪТИБОР, ЭЪТИРОФ, РАҒБАТ

“Туркистон” саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида ўтказилган “Ташаббус — 2015” кўрик-танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

**«ТАШАББУС — 2015»**




Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳамда ҳунармандчилик субъектлари иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки улар ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулот ва хизматлар билан тўлдириш, экспорт ҳажмини ошириш, янги иш жойлари яратиш, аҳоли даромадларини барқарор кўпайтириш, бошқача айтганда, давлатимиз ва жамиятимиз равнақида тобора ҳал қилувчи аҳамият касб этаётир.

Дарҳақиқат, 2000 йилда республикамиз ялпи ички маҳсулотининг 31 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси улушига тўғри келган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 56 фоизга етди. Бундан ташқари, айни пайтда саноат маҳсулотларининг 31,1 фоизи, иш билан банд бўлган аҳолининг 77 фоизи иқтисодиётимиз ушбу секторида меҳнат қилмоқда. Бу юртимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани, тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани самарасидир.

Давлатимиз раҳбарининг ғояси асосида 1996 йилдан буён анъанавий равишда ўтказиб келинаётган “Ташаббус” республика кўрик-танлови ҳам кичик ва ўрта синф вакилларини моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, илғор тажрибаларини оммалаштириш, ёшларда тадбиркорликка иштиёқ уйғотишга хизмат қилаётгани билан ғоятда аҳамиятлидир. Зеро, у юртимизда фаолият кўрсатаётган энг илғор ва янгиликка интилувчан тадбиркор, фермер ҳамда ҳунармандлар беллашувигина эмас, балки ўзаро тажриба алмашиш, кооперация алоқаларини ўрнатиш, фаолиятига замонавий технологиялар, инновацион ишланмаларни жалб этишда ўзига хос иқтисодий форум мақомига эга бўлди. Шу боис кўрик-танлов нуфузи йил сайин ошиб, унинг иштирокчилари сони ҳам кўпайиб бормоқда. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, республика Фермерлари кенгаши, “Ҳунарманд” уюшмаси, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этилган бу йилги танловнинг қуйи босқичларида 6230 га яқин тадбиркорлик субъектлари қамраб олингани ана шундан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).

## Қимматли қоғозлар бозорининг ҳуқуқий асоси такомиллаштирилди

Маълумки, яқинда янги таҳрирдаги “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирди. Қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад қимматли қоғозлар чиқариш ва уларни жойлаштириш, қимматли қоғозлар билан боғлиқ битимларни тузиш ва рўйхатга олиш, қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш шартларини соддалаштиришдан иборатдир.

**ҚОНУН КУЧГА КИРДИ**

Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг асосларини, аввалambor, қонунчилик базасини шакллантириб, уни изчил такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлатимиз молия бозори самарали ишлашини таъминлаш мақсадида қимматли қоғозлар бозори жадал ривожлантирилаяпти.

Ушбу соҳада кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, қимматли қоғозлар билан боғлиқ битимлар тузиш электрон шаклга ўтказилди, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва савдолар ташкилотчилари хизматлари тарифлари туширилди, нархлар шаклланиши механизми ва ахборотлар ошкор этиш тартиби такомиллаштирилди. Натижада фақат уюшган қимматли қоғозлар бозорида тузилган битимларнинг умумий қиймати 4,2 баравар ошди.

Янги таҳрирдаги “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонун соҳани янада тараққий эттиришга қаратилгани, ислоҳотларнинг бугунги босқичи талаблари асосида ишлаб чиқилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Зеро, ушбу ҳуқуқий ҳужжат асосида қимматли қоғозлар билан боғлиқ тартиб ва тамойиллар соддалаштирилди, шу жумладан, янги молиявий инструментлар жорий этилди ва уларни чиқариш, жойлаштириш тартиб ва шартлари белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

**ҲАМКОРЛИК**

*Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон — Франция бизнес-форуми бўлиб ўтди. Франция ишбилармонларининг юртимизга ташрифи доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда икки мамлакатнинг савдо, инвестиция, саноат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт-коммуникация, энергетика каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари қатнашди.*

## Ўзбекистон — Франция бизнес-форуми

Таъкидланганидек, Франция Ўзбекистоннинг Европа минтақасидаги энг йирик савдо-иқтисодий ҳамкорларидан биридир. Бугунги кунда ҳар икки давлатда ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани боис бу борадаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Бунда, табиийки, Ўзбекистон ва Франция ўртасида имзоланган бир қанча ҳукуматлараро битимлар муҳим аҳамият касб этаётир. Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймасликка қаратилган қатор ҳужжатлар шулар жумласидандир. Натижада 2014 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 287,5 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Жорий йилнинг дастлабки чорагида эса ушбу кўрсаткич 7,1 фоиз ошди.

(Давоми 2-бетда).

# Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Жомбой туманидаги Тошкент маҳалласида ёш оилалар учун бунёд этилган “Камолот” уйи фойдаланишга топширилди.*

## Кўркам ва замонавий

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги “Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари асосида қурилган мазкур кўп қаватли уй 52 та хонадондан иборат. Улар турли соҳаларда фаоллик кўрсатаётган ёш оилаларга узоқ муддатли ипотека кредити асосида берилди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

*Поп туманидаги “G‘ayrat Chodak” масъулияти чекланган жамияти ички бозорда ўзининг мустаҳкам ўрнига эга. Яқинда бу ерда амалга оширилган модернизациялаш тадбирларидан сўнг корхона қуввати янада ортди.*

## Корхона имконияти кенгайди

— Бунинг учун 250 миллион сўмлик инвестиция йўналтирдик, — дейди жамият раҳбари Аббосхон Полвонов. — Ҳозирги пайтда бир неча амалиётни бажариш имкониятига эга бўлган юқори унумли дастгоҳлар ёрдамида етти турдаги бежирим кийимлар тикаяпмиз. Меҳнат самарадорлиги ҳам ошди. Буни, масалан, жорий йилнинг тўрт ойи давомида 280 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 70 фоиз ўсишга эришилганида ҳам кўриш мумкин. Эндиликда ташқи бозорга чиқишни режалаштираяпмиз.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

*Урганч шаҳридаги “Мини аккумулятор” масъулияти чекланган жамияти барқарор ривожланаётган кичик тадбиркорлик тузилмаларидан биридир.
1991 йилда асос солинган ушбу корхонада айни пайтда 6 турдаги аккумулятор моноблоклари ишлаб чиқарилаяпти.*

## Даромад янада кўпаяди

Ўтган йиллар мобайнида бу ерда 1 миллиард сўмликдан зиёд модернизациялаш ишлари амалга оширилди. Пировардида жамиятнинг ишлаб чиқариш қуввати муттасил ортиб борди. Хусусан, 2014 йилда 5 миллиард 522 миллион сўмликдан зиёд эҳтиёт қисмлар тайёрлангани фикримиз тасдиғидир.

Жорий йилда “Мини аккумулятор”нинг даромади янада кўпаядиган бўлди. Корхонада турли диаметрли полипропилен қувурлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бунинг учун 625 миллион сўмлик сармоя йўналтирилди. Натижада кунига 3 минг погон метрлик иссиқ ва совуқ сувга мўлжалланган 7 турдаги қувурлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

**Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ёшларимизнинг ишончли ғалабаси

*Янги Зеландияда футбол бўйича ёшлар ўртасида (U-20) давом этаётган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси нимчорак финалда Австрия вакилларини мағлубиятга учратиб, чорак финал босқичига чиқди.*

**ФАХР**

U-20 WORLD CUP NEW ZEALAND 2015

Ушбу муваффақият яна бир жиҳати билан барчамизга чексиз фахр ва ифтихор ҳиссини бағишлайди. Гап шундаки, нуфузли мусобақа бошланганда Осиё қитъасидан тўртта, МДҲ мамлакатларидан эса иккита жамоа қатнашаётган эди. Корея Халқ Демократик Республикаси, Қатар ва Мьянма гуруҳ босқичидаёқ чемпионатни тарк этган бўлса, Ҳамдўстлик давлатларидан Украина нимчорак финалда мағлубиятга учради. Шундай қилиб, фақатгина Ўзбекистон ёшлари совринли ўринлар учун курашиш имкониятини сақлаб қолди.

Футболчиларимизнинг энг нуфузли халқаро турнирда кўпчиликнинг ҳавасини келтирадиган натижани қайд этаётгани бежиз эмас.

(Давоми 4-бетда).

# Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2014 йилдаги ҳамда 2015 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси кўриб чиқилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган йилда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг турмуш сифатини ва даражасини муттасил ошириб бориш масалаларига ҳукумат томонидан катта эътибор қаратилди. Хусусан, 2014 йилда фуқароларнинг реал даромадлари 10,2 фоиз, бюджет ташкилотлари ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақа ва стипендиялар миқдори 23,2 фоиз ошди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2014 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳар томонлама муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқди.

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси** фракциясидан сўзга чиққан депутатлар банк тизимининг ислоҳ этилиши иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим омил бўлганлигини, бунинг натижасида тижорат банкларининг жами капитали деярли 25 фоизни ташкил этганлигини таъкидлаб ўтдилар. Банк тизимининг мустаҳкамланиши 2014 йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга ва тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоиз ставкасини ҳам шунга мос равишда камайтириш учун зарур имкониятлар яратди. Банклар томонидан фақат ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган кредитлар ҳажми 2013 йилдагига нисбатан 1,2 баробар, айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган кредитлар эса 1,3 баробардан зиёд ошди.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш борасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар партия электорати манфаатларига жавоб беради.

Саноатнинг енгил, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларида ишчиларнинг энг кўп сони илгариги 100 кишидан 200 кишигача ошганлиги кичик бизнесни рағбатлантириш чора-тадбирлари тизимидаги муҳим қарор бўлди. Ўзбекистон 2014 йилда бизнес юритиш шарт-шароитлари бўйича рейтингда саккиз поғона юқорига кўтарилди.

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** аъзолари ўз сайловолди платформасидан келиб чиқиб, экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва экспортни диверсификация қилиш, маҳаллий маҳсулотни сотиш учун янги бозорларни ўзлаштириш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг юқори натижаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Хусусан, ўтган йилда 500 дан зиёд янги корхона, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятига жалб этилди. Ташқи савдо балансидаги ижобий сальдо 180 миллион АҚШ долларини ташкил этди, олтин валютаси захиралари 1,6 миллиард АҚШ долларига ошди, бу эса миллий иқтисодиётимизнинг янада мустаҳкамланишига кўмаклашди.

Фракция вакиллари жойларда солиқ қонунчилигига хўжалик юритувчи субъектлар томонидан риоя қилинишини таъминлаш ва тақдим этилган имтиёз ва преференциялардан самарали фойдаланиш, бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштириш асосида маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан мавжуд имкониятлар ҳамда резервлардан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Сўзга чиққанлар бозор талаблари асосида иқтисодий муҳитни ташкил этишга, ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс имкониятларидан оқилона фойдаланишга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида юқори технологик кичик саноат корхоналарини ривожлантиришга алоҳида тўхталиб ўтдилар.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясидан** сўзга чиққанлар ўтган йилда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари ҳукуматнинг диққат марказида бўлганини қайд этди. Ҳисобот даврида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан умумий харажатларнинг 58,8 фоизи миқдорида маблағ ажратилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакиллари 2014 йилда айрим бюджет ташкилотларида ва бюджет маблағларини олувчи ташкилотларда бюджет маблағларидан мақсадсиз ва самарасиз тарзда фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилганлигини ҳам таъкидладилар. Шу муносабат билан депутатлар марказда ва жойларда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бюджет маблағларининг самарали ва мақсадли сарфланишини таъминлаш борасидаги масъулиятини ошириш, шунингдек, Бюджет кодекси нормалари ва қоидаларининг ижроси устидан назоратни янада кучайтириш бўйича бир қатор таклифлар билдирдилар.

**Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси** аъзоларининг фикрига кўра, 2014 йилда иқтисодий дастурнинг тизимли равишда амалга оширилиши натижасида ўсишнинг юқори барқарор суръатларини сақлаш, макроиқтисодий мувозийлик, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш таъминланди. Ҳисобот даврида Вазирлар Маҳкамаси илм-фанни ривожлантиришга катта эътибор қаратгани, бу эса партиянинг дастурий вазифаларига тўлиқ мос келиши алоҳида эътироф этилди. Хусусан, ҳисобот даврида илм-фанни ривожлантиришга 187 миллиард сўм ёки 2013 йилдагига нисбатан 13,6 фоиз кўп маблағ сарфланди.

Шу билан бир қаторда, фракция аъзолари давлат илмий-техник дастурларининг, тармоқлар бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг, шунингдек, инновацион ишланмалар лойиҳаларининг устувор йўналишларини молиялаштиришни мақбуллаштириш юзасидан таклифларини билдирдилар.

**Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи** аъзолари атроф-муҳитни ва аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари қаторига киритилганини таъкидлаб ўтдилар. Шу сабабли Ўзбекистонда мустақилликка эришилган илк кунлардан бошлаб табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга, ҳозирги ва келгуси авлодлар учун атроф-муҳитни сақлашга қаратилган йўналиш қабул қилинган.

Мажлисда депутатлар гуруҳи аъзолари мамлакатимизда атроф-муҳитни ва аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этиш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирларни ижобий баҳоладилар. Хусусан, 2014 йилда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун Давлат бюджети харажатлари 547,2 миллиард сўмни ташкил этди. Шу жумладан, сув ва ер ресурслари муҳофазасига 18,6 миллиард сўм, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазасига 7,1 миллиард сўм, биохилмахилликни сақлаш учун 7,3 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни инобатга олиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2014 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

* * *

Куннинг иккинчи ярмида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари М. Мирзаев маъруза билан сўзга чиқди.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи чорагидаги ижроси Бюджет кодекси асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ амалга оширилди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди.

Иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминловчи амалдаги стратегияни давом эттириш, бунинг учун мавжуд резервлар ва имкониятлардан кенг фойдаланиш жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) 7,5 фоизга ошишини таъминлагани қайд этилди. Бунда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш инфляциянинг прогноз кўрсаткичлардан ортиқ бўлмаган паст даражада кузатилди.

2015 йилнинг биринчи чорагида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 7,9 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми — 11,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш — 6,3 фоиз, хизматлар ҳажми — 13,1 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми — 15,2 фоиз ўсди.

Йил бошидан буён минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурларини амалга ошириш доирасида 434 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Қишлоқ жойларида 169 километр сув қувури тармоқлари, 54 километр газ тармоқлари ишга туширилди, 1,3 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Жорий йилда қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича зарур муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган 12 мингта якка тартибдаги уй-жой қуришни ташкил этиш борасида чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар фақат жорий йилнинг биринчи чорагида 8 мингтадан ортиқ янги кичик бизнес субъектининг ташкил этилишига кўмаклашди, бу 2014 йилнинг шу давридагига қараганда 10,2 фоиз кўпдир. Кичик бизнес субъектларига 2014 йилнинг биринчи чорагидагига нисбатан 1,3 баробар кўп банк кредитлари ажратилди. Йил бошидан буён хусусий мулкдорларга 55 та давлат активи реализация қилинди, шу жумладан, 13 та объект инвесторларга 9,7 миллиард сўмлик инвестициялар киритиш мажбурияти асосида бепул берилди.

Аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш натижасида жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида 141 мингтадан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди, улардан 88 мингтадан ортиғи ёки 62,6 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида кексаларга муносиб эътибор кўрсатиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини юксалтиришга доир тадбирларни фаол амалга ошириш жараёни бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳар томонлама муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Улар мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжати кўрсаткичлари жорий йилда барча давлат ва хўжалик органлари томонидан аниқ ижро этилиши зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

# Қимматли қоғозлар бозорининг ҳуқуқий асоси такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, қимматли қоғозлар битимларини замонавий электрон технологияларни кенг жорий этиш ҳисобига тузиш, қимматли қоғозлар профессионал иштирокчиларига ўрнатилган талабларни қайта кўриб чиқишга оид нормалар қонунда ўз аксини топди.

Қонунда кўзда тутилган барча янгиликлар, шубҳасиз, қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция ҳамда рақобат муҳитини яхшилаш, инвестиция ва инновация лойиҳаларини молиялаштириш учун корхоналарнинг акция ҳамда корпоратив облигациялардан унумли фойдаланишига хизмат қилади. Экспертларнинг фикрича, Қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши молия бозорини ҳаракатлантирувчи асосий инструмент бўлган қимматли қоғозларнинг янги турларини муомалага киритиш, қимматли қоғозларнинг муомаласи ҳамда қимматли қоғозлар чиқариш йўли билан хорижий инвесторлар ва аҳолининг бўш турган маблағларини жалб қилиш имкониятини кенгайтиради.

Жумладан, Қонунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги қарори билан тасдиқланган дастурга мувофиқ, инвестиция лойиҳаларига капитал киритиш, ишлаб чиқариш қувватини модернизация қилиш, инфратузилма лойиҳаларини самарали бажариш ва саноатда инвестицияни ошириш заруратидан келиб чиқиб, қимматли қоғозларнинг янги турини — инфратузилма облигацияларини чиқариш жорий этилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бу давлат корхоналари ҳамда хўжалик жамиятларига ишлаб чиқариш ва бошқа инфратузилмаларни барпо этиш ҳамда қайта тиклашни молиялаштириш учун пул маблағларини жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни юзага келтиради.

Қонунга биноан, инвестиция воситачиси томонидан инвесторга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчиси ҳар бир инвестиция воситачисига тегадиган воситачилик ҳақининг чегириб қолинадиган қисми ҳисобидан кафолат фондини шакллантиради. Кафолат фондининг маблағлари инвестиция воситачиларига тегишли бўлиб, ҳар бир инвестиция воситачиси бўйича алоҳида шакллантирилади ва ҳисобга олинади. Кафолат фондининг маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас ва ушбу маблағлар инвестиция воситачисига у инвестиция воситачиси сифатидаги фаолиятини тугатган тақдирда қайтарилиши керак. Шак-шубҳасиз, қонунчиликдаги ушбу янги норма инвесторлар учун қўшимча кафолатлар механизмини яратиб, инвестиция воситачиларининг масъулиятини оширади. Натижада иқтисодиётга жалб этилаётган инвестиция оқими кўпайиб, ижтимоий инфратузилма, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш борасидаги лойиҳаларнинг ҳаётга муваффақиятли татбиқ қилинишига замин яратади.

Хулоса ўрнида айтганда, қимматли қоғозлар бозорининг янада такомиллаштирилиши мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсишига хизмат қилади. Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотларни замонавий АКТдан фойдаланган ҳолда ошкор этиш тартибининг аниқлаштирилиши акциядорлар ва потенциал инвесторларга, жумладан, чет эл инвесторларига республикамиз қимматли қоғозлар бозори фаолияти тўғрисидаги аниқ, тезкор ахборотни олиш имконини беради.

**Шукуржон МАМАТҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

# Ташқи таъсирга чидамли

*Жорий йилнинг дастлабки чорагида “Гулистон стандарт строй сервис” масъулияти чекланган жамияти жамоаси ўз буюртмачиларига 800 дан зиёд полимер-мармар ҳамда ташқи таъсирларга чидамли ванна етказиб берди.*

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

— Маҳаллийлаштириш дастури асосида фаолиятимизни кенгайтирдик, — дейди Бухоро шаҳридаги мазкур корхона менежери Баҳром Қодиров. — Маҳсулотларимиз импорт ўрнини босади. Нархи ҳам нисбатан арзон. Чунончи, шу йилнинг дастлабки уч ойида 140 минг АҚШ долларилик хорижий валюта тежаб қолинди. Йил охирига қадар мазкур дастурга мувофиқ, истеъмол бозорига 3500 дона икки турдаги шундай маҳсулот етказиб беришни режалаштираяпмиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбекистон — Франция бизнес-форуми

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозирги вақтда юртимизда Франция билан ҳамкорликда 14 та фирма ва компания самарали фаолият юритаётган бўлса, шундан учтаси тўлиқ Франция капитали асосидаги хўжалик юритувчи субъектдир.

Бизнес-форумда делегация аъзолари машинасозлик, автомобилсозлик, экология, кимё, нефть-кимё, электроника, фармацевтика, озиқ-овқат саноати ва бошқа соҳаларга доир тақдимотларини ўтказдилар. Ўз навбатида, Ўзбекистон томонидан ҳам юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, хорижий сармоядорларга яратилаётган қулай шарт-шароитлар ҳақида маълумот берилди. “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналаридаги инвестициявий муҳит билан батафсил таништирилди. Буларнинг бари келгусида савдо-иқтисодий муносабатларни янада кенгайтиришга хизмат қилади, албатта.

Йиғилиш давомида делегация аъзолари Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини юксак эътироф этиб, мамлакатимизда бизнесни ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини таъкидладилар.

Бизнес-форум доирасида, шунингдек, кооперация биржаси ҳам ташкил этилиб, якунда ўзаро алоқаларни ривожлантиришга келишиб олинди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ИНТИЛИШ

# Маҳсулот тайёрлашнинг ўзига хос усули

*Боёвут туманида фаолият бошлаган “Шодлик Сайхун ғишт” шуъба корхонасида хумдонларни қиздиришда кўмир қолдиғидан фойдаланилмоқда.*

— Ҳозир ушбу иккиламчи хом ашёдан ҳосил қилинаётган иссиқлик ёрдамида хом ғиштларни ҳам қуритаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Улуғбек Исмоилов. — Бу ишлаб чиқариш суръатини ошириши баробарида, маҳсулотимиз таннархининг арзон бўлишини ҳам таъминлаётир.

Эътиборлиси, бу ерда тайёрланаётган ғиштларнинг ҳажми одатдагидан бир ярим баробар катта. Қолаверса, лойи вакуум ускунасида пишитилиши туфайли унинг юзаси текис ва силлиқ чиқади. Бу эса пардозлаш ишларини енгиллаштиришга хизмат қилади.

Айни пайтда корхонада соатига 10 минг донагача сифатли деворбоп материал тайёрланаяпти. Айтиш лозимки, қарийб 259 минг АҚШ долларилик мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши туфайли ҳудудда намунали лойиҳадаги уй-жойлар ҳамда бошқа қурилиш объектларини арзон ва сифатли ғишт билан таъминлаш имкониятлари янада кенгайди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭЪТИБОР, ЭЪТИРОФ, РАҒБАТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Танловнинг туман (шаҳар), вилоят, сўнгра республика босқичлари доирасида иштирокчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмалари ташкил этилгани эса барқарор ривожланаётган Ўзбекистон иқтисодиётининг чинакам кўзгусига айланди. Негаки, дастлабки йилларда танлов қатнашчилари бир неча турдаги маҳсулот ёки хизматларини тақдим қилган бўлса, ҳозирги кунда деярли ҳар бир соҳада тадбиркорлар фаол.

...Соат 18:00. “Ташаббус — 2015” республика кўрик-танлови ғолибларини аниқлаш ва тантанали тақдирлаш маросими бошланди. Муҳташам саройда жам бўлганларнинг барчаси ҳаяжонда. Уларнинг чақнаб турган нигоҳларига боқиб, кўнгил кечинмаларини уққандек бўласан гўё: Президент соврини — Асакадаги автомобиль заводида ишлаб чиқарилган учта “Spark” автомобили кимларга насиб этаркин?

Сухандонлар танловнинг якуний босқичи иштирокчилари номларини эълон қила бошлайди. Саҳнага Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган дастлабки босқичларда сараланиб, энг илғор деб топилган 41 нафар қатнашчи чиқиб келади. Улар гулдурос қарсаклар билан олқишланади. Шаҳару қишлоқларимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиб, ёшларга намуна кўрсатаётган тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар, албатта, ҳар қанча эътирофга лойиқ.

Чиндан ҳам, юртимиздаги шу каби илғор тадбиркорларнинг ғайрат-шижоати туфайли саноатимиз салоҳияти юксалиб, рақобатбардошлиги таъминланаяпти. Улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар сифатининг юқорилиги, дизайни ва қадоқланиши жиҳатидан хорижникидан асло қолишмайди. Танловнинг якуний босқичига йўлланмани қўлга киритган тадбиркорларнинг аксарияти аллақачон ташқи бозорга чиқишга муваффақ бўлгани, катта ҳажмда экспорт амалиётларини бажариб келаётгани шундай дейишимизга тўла асос бўла олади. Мисол учун, экспортчи корхоналар сафидан мустаҳкам жой эгаллаган “Livadiya-Bukhara”, “Наманган момиқ сочиқлари”, “Зарафшон текстиль”, “Takro Osiyo”, “Чимкент султонлар гиламлари”, “Урганч бахмал” сингари корхоналар маҳсулотларига буюртмалар йил сайин кўпаймоқда. Бинобарин, “Ташаббус” экспортчи корхоналар кашф этилишида катта туртки бўлаяпти.

Тадбирда қайд этилганидек, қишлоққа саноатни олиб кириш, ҳудудлар қиёфасини ўзгартириш, аҳоли бандлигини таъминлашда фермерларнинг роли тобора ошиб бораётир. Бундай натижага эришишда фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини мустаҳкамлаш, соҳанинг ҳуқуқий асос ва кафолатларини яратиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ер майдонларини мақбуллаштириш



борасида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар муҳим омил бўлди. Пировардида бугунги фермерлар қишлоқ хўжалигининг фақат деҳқончилик ёки чорвачилик тармоқлари билан кифояланиб қолгани йўқ. Улар Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан, фаолият кўламини кенгайтириб, янги-янги йўналишларга қўл ураяпти. Натижада даласида етиштирган хом ашёни чуқур қайта ишлаш асносида тайёр маҳсулотлар етказиб бермоқда. Бундан, энг аввало, қишлоқ мулкдорининг ўзи, қолаверса, эл-юрт катта наф кўраётир.

Ҳунармандларимиз эришаётган ютуқлар ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. Уларнинг изланувчанлиги туфайли халқ амалий санъатининг қадимий турлари қайта тикланиб, замонавий йўналишлар билан уйғунлаштирилмоқдаки, бунинг маҳсули бўлган санъат намуналари, асосан, хорижлик буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Иқтисодиётимизнинг ушбу етакчи соҳаларида қўлга киритилаётган залворли ютуқлар замирида юртимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани, мулкдорларга турли имтиёз ва преференциялар тақдим этилаётгани, эмин-эркин бизнес фаолият юритиш учун барча қулайлик мавжудлиги мужассамдир.

Анъанага мувофиқ, “Ташаббус — 2015” республика кўрик-танлови ғолиблари учта асосий, шунингдек, бир қатор қўшимча номинациялар бўйича аниқланади.

Ҳакамлар ҳайъатининг хулосаси, яъни ғолиб ва совриндорлар номи эълон қилинади. Дастлаб Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ташкил этилган “Кекса тадбиркор — “Ташаббус” эъзозида” янги номинацияси, шунингдек, “Энг яхши ёш тадбиркор”, “Энг яхши тадбиркор аёл”, “Энг яхши инновацион лойиҳа”, “Ёшларга энг кўп иш жойи яратган тадбиркор”, “Энг яхши оилавий бизнес соҳиби”, “Менинг юртим — менинг ифтихорим” каби қўшимча номинациялар бўйича ғолиблар тақдирланди.

Навбат олий мукофот соҳибларига келди. Улар саҳнага чорланди.

“Ташаббус — 2015” республика кўрик-танловида Зангиота туманидаги “Takro Osiyo” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Камолиддин Ғиёсов “Энг яхши тадбиркор”, Поп туманидаги “Раис-Санг” фермер хўжалиги раҳбари Илёсжон Ботиров “Энг яхши фермер”, хоразмлик уста-ҳунарманд Аллазар Саъдуллаев “Энг яхши ҳунарманд” деб топилди. Уларга олтин медаль, махсус диплом, Президент совғаси — “Spark” автомашиналарининг калитлари топширилди.

— Минг-минглаб тадбиркорлар ичида мана шундай юксак эътирофга сазовор бўлганим, бу — энг олий бахт, — дейди “Энг яхши тадбиркор” йўналишида биринчи ўрин соҳиби Камолиддин Ғиёсов. — Албатта, бунга муносиб бўлиб, бизнес фаолиятимизни янада ривожлантириш, юртимиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшиш, Ўзбекистонимиз номини дунёга кенгроқ ёйишга ҳаракат қиламан. Бу мукофот кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшиб, янада фидокорона меҳнат қилишга руҳлантираверади.

Асосий йўналишлар бўйича иккинчи ва учинчи ўринни қўлга киритган тадбиркор, фермер ҳамда ҳунармандлар диплом, пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов иштирок этди.

**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ОЙЛИГИ

*Гиёҳвандлик моддаларини суиистеъмол қилиш ва унинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ушбу офат дунё тараққиёти ва барқарорлигига, жамиятдаги соғлом турмуш тарзига жиддий рахна солаётир. Шу билан бирга, оғу савдосидан келиб тушаётган даромад терроризм, одам савдоси каби ўта оғир жиноят турларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу эса барчани янада огоҳ ва ҳушёр бўлишга ундайди.*

*Юртимизда бу борада аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг ижроси самарали таъминланмоқда. Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази директори Ахмед МАНСУРОВ билан шулар ҳақида суҳбатлашди.*

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИ

*— Ўзбекистонда гиёҳвандликка қарши олиб борилаётган амалий чоралар ҳақида сўзлаб берсангиз.*

— Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб жамиятда соғлом турмуш тарзини чуқур қарор топтириш, баркамол авлодни вояга етказиш, гиёҳвандликка қарши курашга катта аҳамият қаратиб келинаяпти. Хусусан, давлатимиз БМТнинг Наркотик моддалар тўғрисидаги, Психотроп моддалар тўғрисидаги, Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияларига қўшилди. 2000 йилда "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирди. Президентимизнинг қатор қарорлари, давлат дастурлари ҳаётга изчил татбиқ этилаётир.

Мазкур саъй-ҳаракатлар самарадорлигини таъминлаш йўлида Ўзбекистон Республикаси Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссияси томонидан тизимли ишлар олиб борилаяпти. Хусусан, ҳуқуқ-тартибот, соғлиқни сақлаш, суд ва прокуратура идоралари, шунингдек, халқаро ҳамкорлар томонидан тақдим этилган ахборотлар асосида нарковазият таҳлили тайёрланиб, уларнинг натижаларига кўра комплекс чоралар белгиланмоқда.

Нарковазият борасида тезкор статистик ва бошқа маълумотлар билан алмашиш бўйича идоралараро автоматлаштирилган тизимлар янада ривожлантирилаётир. Дастурий маълумотлар базаси маҳаллий шароитларга мос ҳолда қайта ишлаб чиқилиб, уни амалиётга жорий қилиш бўйича ўқув машғулоти ташкил этилди.

Ўз навбатида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан наркотик воситаларни инъекция орқали истеъмол қилувчиларнинг "яширин" кўламини аниқлаш бўйича эпидемиологик тадқиқотлар давом этмоқда. Республикадаги ОИТСга қарши кураш марказларида хавф гуруҳига кирувчилар орасида ОИВ инфекциясини экспресс тестлар орқали аниқлаш механизми татбиқ қилинди. Бу саъй-ҳаракат ушбу бедаво дарднинг тарқалиши ҳақидаги тўлақонли маълумотга эга бўлиш имконини беради.

Таълим муассасаларида тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Чунончи, 2014/2015 ўқув йили давомида 8625 та умумтаълим мактабидаги 5 — 9-синф ўқувчилари ўртасида "Ёшларнинг маънавий дунёси ва ҳуқуқий маданияти" мавзуида ижтимоий сўровлар ўтказилди.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида танлаб олинган 25 та умумтаълим мактабида 14 — 16 ёшли ўқувчилар ўртасида гиёҳвандликка қарши кураш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳолати сўровлар ўтказиш йўли билан ўрганилди. Натижалар кенгайтирилган йиғилишда муҳокама қилинди. Қолаверса, "Оила ва мактаб биргаликда" дастурини амалга ошириш кўлами кенгайтирилди.

Ёшларнинг бўш вақтини унумли ташкил этиш йўлида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг барча ўқув муассасаларида тўгараклар фаолияти таҳлил этилиб, уларнинг сони кўпайтирилди. Қатор йўналишлар бўйича спорт секциялари фаолияти қайтадан ташкил этилди. Талаба ва ўқувчиларнинг наркология хизмати ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари мутахассислари билан учрашувларини ўтказиш ҳам анъанага айланган. Бундан ташқари, педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларида тингловчилар учун ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш ишларини ташкил этиш мавзуида махсус мулоқотлар уюштирилиб келинаяпти.

Пировардида республикамизда нарковазиятда ижобий тенденциялар сақланиб, наркотик моддаларни истеъмол қилувчилар сони сезиларли равишда камайиб бормоқда.

Айни пайтда бу борадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш вазифаси ҳамиша диққат-эътиборда турибди. Хусусан, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар назорати соҳасидаги ва наркология хизматини тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Амалиётда аниқланган қонунчиликдаги бўшлиқлар ва такомиллаштирилиши лозим бўлган меъёрлар белгиланиб, тегишли таклифлар тайёрланди.

Шунингдек, прекурсорларни майда ҳажмларда сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ соҳаларда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларини алоҳида тоифага ажратиш, улар учун махсус техник талабларни белгилаш, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган жойларни техник жиҳатдан янада мустаҳкамлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликлари томонидан ўтган йили қўшма қарор қабул қилиниб, Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Айни кунларда парламент қуйи палатасида муҳокама этилаётган янги таҳрирдаги Божхона кодексига наркотрафик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш соҳасидаги миллий ҳамда халқаро қонунчилик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, тегишли ўзгартишлар киритилиши назарда тутилаётганини ҳам қайд этиш лозим. Буларнинг барчаси "аср вабоси"га қарши кураш самарадорлигини янада оширишга йўналтирилгани билан долзарбдир.

*— Мамлакатимизнинг минтақадаги нарковазиятни барқарорлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.*

— Давлатимиз раҳбари томонидан халқаро минбарларда минтақадаги нарковазиятни барқарорлаштиришга қаратилган қатор ташаббуслар илгари сурилган. Уларда наркобизнесга қарши кураш фаолияти самараси, албатта, халқаро ҳамкорлик алоқалари билан узвий боғлиқ экани алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шунинг учун Ўзбекистон наркотик воситалар, психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш борасида кўплаб хориж давлатлари билан икки томонлама ва кўп томонлама келишувлар, битимлар имзолаган, халқаро ташкилотларга аъзо бўлган.

Ҳозир мамлакатимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти халқаро лойиҳаларини мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш ва амалга ошириш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилаётир. БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ҳамда ШҲТ мувофиқлаштирувчи тузилмалари билан наркотикларга оид вазият тўғрисидаги ахборот материалларини алмашиш таъминланмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссияси фаолияти доирасида гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш мақсадида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича ишлар давом эттирилаяпти. Мазкур самарали алоқалар соҳада тузилган 30 дан ортиқ кўп томонлама ва икки томонлама битимлар ҳамда меморандумлар асосида амалга оширилади.

Натижада ушбу йўналишда қатор лойиҳалар рўёбга чиқарилиб, жабҳанинг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланди. Масалан, чегара-божхона масканлари юклар контрабандаси, жумладан, гиёҳвандлик моддаларини аниқловчи стационар ва мобиль сканер қурилмалари ҳамда бошқа назорат-техник воситалари билан жиҳозланди. Хорижда ҳамда республикамизда ташкил этилган махсус ўқув курсларида республика вазирлик ва идораларнинг 3000 дан зиёд ходимлари қатнашиб, керакли кўникмаларга эга бўлишди.

Бундан ташқари, вакилларимиз халқаро миқёсда ўтказилаётган конференция ва семинарларда иштирок этиб, минтақадаги нарковазиятни барқарорлаштиришга оид тегишли тажриба ҳамда билим алмашмоқдалар.

*— Маълумки, юртимизда Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги ўтказилмоқда. Ойлик доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази томонидан қандай ишлар олиб борилаяпти?*

— Аввало, мазкур ойлик фуқароларнинг гиёҳвандлик салбий оқибатлари ҳақидаги билимларини ошириш, огоҳликни янада кучайтириш, жамиятда учраётган муаммоларни бартараф этиш, соғлом турмуш тарзини янада чуқурлаштириш мақсадида анъанавий ўтказиб келинаётганини эътироф этиш жоиз. Бу Наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурида кўзда тутилган вазифаларга тўла муштаракдир.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ва ҳудудий комиссиялари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим, тиббиёт, маданият, спорт муассасалари, хайрия фондлари, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигида бир қатор профилактика, тушунтириш-тарғибот тадбирлари ташкил этилаяпти.

Бу галги ойлик давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида таниқли санъаткорлар, маданият вакиллари, спортчилар ва бошқа жамоат арбоблари иштирокида катта хайрия концерт дастурлари бўлиб ўтади. Маҳалла гузарлари, маданият ва истироҳат боғларида гиёҳвандликнинг мудҳиш оқибатларини фош этадиган, тарбиявий аҳамиятга молик сайёр саҳна кўринишлари тақдим этилади. Кинотеатрлар, маданият уйларида маҳаллий ва хорижий киноижодкорларнинг наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши муаммолари ёритилган фильмлари намойиш қилинади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида эса ҳуқуқ-тартибот, соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари мавзуга оид маърузалар қилишади, одамларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб беришади. Шунингдек, ОАВ, жамоатчилик ва мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирокида ноқонуний айланишдан мусодара қилинган наркотик моддаларни кўргазмали ёқиш тадбири ҳамда матбуот анжуманини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

**Саиджон МАХСУМОВ суҳбатлашди.**

Ойлик тадбирлари нафақат республикамиз, балки юртимизнинг хориж давлатларидаги дипломатик ваколатхоналарида ҳам бўлиб ўтади. Уларда халқаро ҳамжамиятга Ўзбекистоннинг минтақадаги нарковазиятни барқарорлаштиришга қаратилган ташаббуслари, саъй-ҳаракатлари мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида муфассал маълумотлар берилади. Уйлаймизки, жойлардаги тадбирлар аҳоли, айниқса, ёшлар томонидан қўллаб-қувватланиб, улар халқимиз тинчлик-тотувлик ва соғлом турмуш тарзи тарафдори эканлигининг яна бир ёрқин исботига айланади.

ТУҲФА

*Нукус шаҳри марказида замонавий фаввора қурилиб, ишга туширилди. "Голден стар" масъулияти чекланган жамияти томонидан бунёд этилган мазкур гидроиншоотга 400 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.*

# Мусиқали фаввора

Эътиборлиси, фаввородан кўкка отилаётган сув тунда етти хил рангда жилваланиб, ажиб бир манзара ҳосил қилади.

— Ушбу объект Нукус шаҳрини ободонлаштириш ҳамда инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида қабул қилинган дастур доирасида барпо этилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси раҳбари ўринбосари Нурлибек Ережепов. — Унга кўра, шаҳарда яна иккита анъанавий ва битта мусиқали фаввора қурилиши қизғин олиб борилмоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 30 МАЙДАН 5 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

*(Давоми. Бошланиши 115-сонда).*

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитасининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартибида рўйхатга олувчи органлар ва давлат солиқ хизмати ҳамда давлат статистика органлари ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги (рўйхат рақами 1633, 2006 йил 31 октябрь), «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартибида рўйхатга олувчи органлар ва давлат солиқ хизмати ҳамда давлат статистика органлари ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви тўғрисидаги йўриқномага қўшимча киритиш ҳақида»ги (рўйхат рақами 1633-1, 2011 йил 18 февраль) қарорлари.

**Адлия вазирининг 2015 йил 1 июндаги 174-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2000 йил 5 июлдаги 12/1-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисида»ги (рўйхат рақами 1253, 2003 йил 3 июль), «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2000 йил 5 июлдаги 12/1-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани мамлакат ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисида низомнинг янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисидаги» Бошқарув қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги (рўйхат рақами 1253-1, 2003 йил 9 сентябрь) қарорлари.

**Адлия вазирининг 2015 йил 3 июндаги 176-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

ЭЪЛОНЛАР

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги фуқароларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф қилади. Сиз савдолардаги мавжуд бўлган давлатга тегишли ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари, уларга нисбатан ҳуқуқлар бўйича маълумотларни www.1kms.uz сайти орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

Телефонлар: (0-371) 228-84-48, 200-10-01. Факс: (0-371) 228-80-26.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Тошкент минтақавий филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Ангрен шаҳар СИБ томонидан Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 29 сентябрдаги 11-1434/9419-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Назарбек-автойўл» корхонасига тегишли, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Улуғбек кўчаси, 166-уйда жойлашган, ер майдони 2 614,60 кв.м. бўлган, 0002-литердаги техник омбори, 0013-литердаги омборхона биноси, 0005-литердаги ТБ омбори қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 863 055 382 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 7 майдаги 11-1536/2659-сонли ижро варақасига асосан, «Alliance Trans Line» МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ракат (собиқ Ш. Абдуллаев) кўчаси, 57-уйда жойлашган, умумий майдони 668,0 кв.м., фойдаланиш майдони 501,18 кв.м. бўлган, 0001-литердаги офис биноси, 0002-литердаги ёрдамчи бино, 0003-литердаги ҳовуздан иборат офис биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 362 500 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 14 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 10 июль куни соат 18.00.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404920609021, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел./факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz**

Хизматлар лицензияланган.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Андижон вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Хонобод шаҳар СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2015 йил 21 апрелдаги 1404/1929-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Хонобод шаҳри, Тейит кўчасида жойлашган, «Chimyon parranda» МЧЖга тегишли, ер майдони 53503,18 кв.м., умумий майдони 13775,77 кв.м.дан иборат бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 077 000 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Жалақудуқ тумани СИБ томонидан ФИБ Андижон туманлараро судининг 2015 йил 30 мартдаги 1-762-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қорасув шаҳри, Уч тегирмон кўчасида жойлашган, «Idd oil» МЧЖга тегишли, А, А1, А2, Б, В В1, Г-литерлардан иборат, ер майдони 1500,0 кв.м. бўлган АЁҚШ биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 16 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 14 июль куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Андижон вилояти филиалининг Андижон шаҳар АТ «Савдогар» банкидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609005, МФО: 00081, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 71-уй, 1-қават. Телефон: (0-374) 223-08-53. www.1kms.uz**

834R/02

Хизматлар лицензияланган.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Сирдарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти Хўжалик судининг 2011 йил 14 февралдаги 12-1111/921 (27.1)-сонли ва 2012 йил 6 сентябрдаги 12-1206/3664 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик уруғчилик чигит» МЧЖга тегишли, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ ҳудудида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда:

* 0012-литердаги майдони 899,1 кв.м. бўлган омборхона.

***Бошланғич баҳоси — 286 582 751 сўм.***

* 0013-литердаги майдони 792,36 кв.м. бўлган омборхона.

***Бошланғич баҳоси — 252 601 147 сўм.***

* 0014-литердаги майдони 1030,9 кв.м. бўлган омборхона.

***Бошланғич баҳоси — 328 665 485 сўм.***

* 0015-литердаги майдони 1339,56 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи.

***Бошланғич баҳоси — 298 771 767 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ ҳудудида жойлашган, «Safo and marva» МЧЖга тегишли бино-иншоотлар ичидаги ускуналари билан мажмуа сифатида арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 483 544 799 сўм.***

**III.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 8756,16 кв.м. бўлган иссиқхона иситиш мосламаси билан мажмуа сифатида арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 378 300 231 сўм.***

**IV.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 18 апрелдаги 12-1306/2055-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Янги ҳаёт» СИУ, Охунбобоев кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 1139,0 кв.м.дан иборат «Дони» хусусий фирмасига тегишли бўлган бино-иншоотлар арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 480 377 730 сўм.***

**V.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти Хўжалик судининг 2012 йил 23 ноябрдаги 12-1207/15633-сонли ижро варақаси ва 2013 йил 31 январдаги 12-1306/1028 (27.1)-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Ўзбекистон» СИУ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 6,0 гектардан иборат «Файз — 2003 йил» МЧЖга тегишли бўлган чорвачилик фермаси бино-иншоотлари арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 421 610 774 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 30 июнь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 26 июнь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (0-367) 226-38-91. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Бухоро вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Суд департаментининг Бухоро вилояти бошқармаси томонидан ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, «Отбозор » ҚФЙ ҳудудида жойлашган, бир гектарлик иссиқхона такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 865 242 479 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 2 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 30 июнь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ХАТБ «InFinBANK» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804920609029, МФО: 01107, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биноси, 4-қават. Телефон: (0-365) 221-58-70. www.1kms.uz**

851R/02

Хизматлар лицензияланган.

# Ёшларимизнинг ишончли ғалабаси



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу мамлакатимизда истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида спортга қаратилаётган юксак эътиборнинг амалий самарасидир. Жумладан, клубларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, стадионларни ФИФА талабларига мувофиқлаштириш, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган маҳоратли футболчиларни тайёрлаш, шунингдек, ушбу спорт турининг оммавийлигини ошириш мақсадида қатор ҳужжатлар қабул қилинган. Президентимизнинг 2011 йил 19 январдаги "2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, айниқса, алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Унга мувофиқ, футбол бўйича мактаб-интернатлар, болалар ва ўсмирлар мактаблари, профессионал футбол клублари ва терма жамоаларда ўқув-машқ жараёнини яхшилаш, футболчилар, тренерлар ҳамда ҳакамларнинг маҳорат ва малакасини ошириш, стадионлар қуриш, мавжудларини талаб даражасида таъмирлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Бу имкониятлар кўплаб иқтидорли ёшларни кашф этишга хизмат қилаётир.

Янги Зеландия майдонларида ғолиблик сари дадил интилаётган вакилларимиз ҳам ана шундай беқиёс ғамхўрликдан баҳраманд бўлиб, футбол сирларини пухта ўзлаштираётган мустақиллик фарзандларидир.

Айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистоннинг шу ёш тоифасидаги футболчилари (U-20) ҳозирги кунга қадар мундиалларда уч бор иштирок этган. Улардан фақат биттасида ҳамюртларимиз чорак финалга чиқиш вазифасини уддалашган.

Энди Ўзбекистон — Австрия ўйини ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Баҳсда вакилларимиз рақибларига қараганда ҳар томонлама устунлик қилишди. Гуруҳ босқичида йўл қўйилган хатолар атрофлича таҳлил этилиб, тегишли хулоса чиқарилгани яққол сезилди. Кетма-кет уюштирилган ҳужумлар ниҳоят ўз самарасини берди. 47 ва 57-дақиқаларда Достонбек Ҳамдамов томонидан урилган иккита гол жамоамиз ғалабасини таъминлади. Ушбу ҳисоб ўйин якунигача сақланиб қолди.

Ҳамюртларимиз чорак финалда Сенегал ёшлар терма жамоасига қарши беллашади. Сенегалликлар ушбу босқичга Украина терма жамоасини мағлубиятга учратиб йўл олган. Чорак финалда, шунингдек, Бразилия — Португалия, Мали — Германия, АҚШ — Сербия терма жамоалари ўзаро беллашади.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

Футболчиларимиз иштирокидаги навбатдаги ўйин 14 июнь куни, Тошкент вақти билан соат 9:30 да бошланади.

*Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби кейинги йилларда Самарқанд вилоятида ҳам аҳолига сифатли ва замонавий банк хизматлари кўрсатилиб, юртдошларимизнинг бизнес фаолиятини ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш бўйича ташаббуслари молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса иқтисодиёт тармоқлари, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси жадал суръатларда ривожланишида муҳим омил бўлаяпти. Ушбу жараёнда "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банкининг Афросиёб филиали ҳам фаол иштирок этаётир.*

ASAKA BANK

# ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Дарҳақиқат, мазкур банк филиали жамоаси вилоят иқтисодиётининг барча тармоғи, хусусан, унинг етакчи соҳасига айланган кичик бизнесни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, 2015 йил 1 июнь ҳолатига кўра, ажратилган жами кредитлар ҳажми 20,9 млрд. сўмни ташкил этди. Уларнинг асосий қисми узоқ муддатли кредитлар эканлиги эътиборга моликдир.

Мазкур давр мобайнида банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 7,8 млрд. сўм миқдорида кредитлар йўналтирилди. Ушбу маблағлар ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш, ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришда катта улуш бўлди. Пировардида кўплаб янги иш ўринлари яратилиб, вилоят ёшлари, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари доимий иш ва даромад манбаига эга бўлдилар.

Шу билан бирга, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш ва ишбилармон аёлларга кўмак бериш учун 1,0 млрд. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 1,8 млрд. сўм, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш мақсадларига 3,4 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари қарийб 700 млн. сўмлик микрокредитлардан баҳраманд бўлди.

— "Асака" банкининг молиявий кўмаги билан хўжалигимизни кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантирдик, — дейди "Bibisora chorvasi" фермер хўжалиги раҳбари Норйигит Суванов. — Гап шундаки, банк кредити ҳисобига эски ферма биносини замонавий лойиҳа асосида қайта реконструкция қилиб, қорамоллар сонини 30 бошга етказдик. Шунингдек, иккита қўшимча иш ўрни яратилди.

Фермер хўжалигимиз "Асака" банки ёрдами билан иқтисодий барқарорликка эришди. Мазкур молия муассасаси билан ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам изчил давом этади, деган умиддамиз.

— Бугунги кунда банклар тадбиркорлар билан мижоз сифатида эмас, балки яқин ҳамкор ва мададкор сифатида мустаҳкам алоқа боғламоқда, — дейди хусусий тадбиркор Муроджон Муҳаммадқулов. — Бизнес фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлганларга, биринчи навбатда, банклар кўмак бераяпти. Ўз фаолиятим мисолида айтадиган бўлсам, юртимизда тадбиркорларга кенг қулайликлар яратиб берилаётганини кўриб, шу касбга қўл уриш мақсадида "Асака" банкининг Афросиёб филиалига мурожаат қилдим. Адашмаган эканман. Банк томонидан қисқа фурсатда бошланғич сармояни шакллантириш учун зарур бўлган миқдорда кредит маблағи ажратиб берилди. Шу тариқа қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Келгусида фаолиятимизни кенгайтириб, тайёрланаётган маҳсулотлар тури ва ҳажмини янада кўпайтириш ниятидамиз. Бунинг учун, албатта, молиявий мададкоримиз бўлган "Асака" банкининг хизматларидан фойдаланамиз.

— Юртимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилиб, тадбиркорларга кўплаб имтиёзлар берилаётгани ички ва ташқи бозор талабидан келиб чиқиб, рақобатбардош мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимизда муҳим омил бўлди, — дейди "Zafar mebel savdo" хусусий корхонаси раҳбари Зариф Мансуров. — Хусусан, бизнес-лойиҳаларимизни муваффақиятли амалга оширишда "Асака" банки молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчиларнинг талаби ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Корхонамизда ҳам харидорларнинг истаклари асосида янги турдаги мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш пайидан бўлинмоқда. Жорий йил бошида шундай лойиҳани амалга ошириш ниятида банк филиалига кредит олиш учун мурожаат қилгандик. Бу масала қисқа муддатда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Кредит маблағи Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, имтиёзли шартларда узоқ муддатга берилгани айни муддао бўлди. Натижада маҳаллий хом ашё асосида қўшимча олти турдаги замонавий мебель жиҳозлари ишлаб чиқарила бошланди. Энг асосийси, янги иш жойлари яратилиб, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлиги таъминланди. Бунинг учун "Асака" банки жамоасидан миннатдормиз.

— Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожини тижорат банкларининг молиявий кўмагисиз тасаввур этиб бўлмайди, — дейди "Davr foto" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Алишер Умиев. — Молия муассасалари томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг истиқболли лойиҳалари қўллаб-қувватланаётгани ички бозорни рақобатбардош ва харидоргир маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилаётир. Бунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан банк тизими чуқур ислоҳ қилинаётгани, соҳага замонавий технологиялар кенг жорий этилаётгани қўл келмоқда. Хусусан, тизимни эркинлаштириш, молия муассасаларининг мамлакат пул-кредит сиёсатидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар туфайли уларнинг иқтисодиётимиз равнақига қўшаётган ҳиссаси тобора юксалиб бораяпти.

Биз ҳам ана шундай имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланиб, ўз фаолиятимизни йил сайин кенгайтирмоқдамиз. Самарқанд шаҳрида жойлашган жамиятимиз айни пайтда аҳолига сифатли ва тезкор хизматлар кўрсатмоқда. "Асака" банки бу борада яқин ҳамкоримизга айланган. 2013 йилдан буён мазкур молия муассасаси кўмагида янги турдаги ускуналар харид қилиб, уч нафар ёшни иш билан таъминладик.

Таъкидлаш керакки, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ жалб қилиш, улар бандлигини таъминлаш юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан вилоятда ташкил этилаётган турли анжуманлар ва тадбирларда "Асака" банкининг Афросиёб филиали мутахассислари ҳам фаол қатнашмоқда. Жумладан, Самарқанд ахборот-коммуникация технологиялари ва саноат коллежида ўтказилган шундай учрашувда тадбиркор бўлиш ниятидаги кўплаб битирувчиларнинг бизнес ғояларини ҳаётга татбиқ қилиш учун имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

— Президентимиз томонидан биз, ёшларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Ундан оқилона фойдаланиб, тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйдим. Бунда "Асака" банкининг Афросиёб филиали томонидан ажратилган имтиёзли кредит қўл келди, — дейди ёш ишбилармон Зуфар Абдураҳмонов. — Ҳозирги пайтда мебель маҳсулотлари етказиб бериш билан шуғулланаяпман. Юртимиз аҳолисини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида олиб борилаётган улкан ишларда ўзимнинг камтарона меҳнатим билан улуш қўшаётганимдан ғоят мамнунман.



Кўриниб турибдики, банк филиали ўзининг тезкор ҳамда замонавий хизматлари билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Зеро, "Асака" банки ходимлари учун мижозлар манфаати бундан буён ҳам устувор бўлаверади.

**С. ИБОДУЛЛАЕВ.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

*Хизматлар лицензияланган.*

ЭЪЛОНЛАР


***Фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар диққатига!***

## Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси

**қишлоқ врачлик пунктлари учун ҳаётий зарур дори-дармонлар, индикатор ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олиш учун тендер савдолари эълон қилади.**

Тендерда қўйиладиган шартларни бажарган, танлов асосида харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади.

***Тендер ҳужжатлари 2015 йил 13 июль куни соат 18.00 гача қабул қилинади.***

**Тендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили:**
**Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, 132006, Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 15-уй.**
**Телефон: (0-376) 223-22-99. Факс: (0-376) 223-17-53. E-mail: surxvssb@uznet.net**

**Банк реквизитлари: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги**
**х/р: 23402000300100001010, МФО: 00014, СТИР: 201122919, МБ ББ ҲККМ Тошкент шаҳри,**
**Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси,**
**ш/х/р: 400121860224017950100054064, СТИР: 200477643, ОКОНХ: 97600.**

*854А/424*



## «Universal realtor» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2014 йил 21 апрелдаги 10-1404/1928-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2015 йил 17 февралдаги 5191/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек (собиқ Ҳ. Абдуллаев) кўчаси, 42-уйда жойлашган, ер майдони 173 кв.м., қурилиш ости майдони 69 кв.м. бўлган офис биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 326 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 17 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 16 июль куни соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal realtor» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

**Қўшимча маълумот олиш манзили: «Universal realtor» МЧЖ, 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 150-35-55. www.realtor.uz E-mail: universal.realtor@mail.ru**

### «Universal realtor» МЧЖ маълум қилади:

«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 28 май 106 (6289)-сонидаги эълонда Тошкент шаҳар Олмазор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, «Шифокор» бозори ҳудудида жойлашган савдо дўкони аукцион савдосига қўйилганлиги тўғрисида хабар қилинган эди.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани СИБнинг 2015 йил 5 июндаги алоқа хатига асосан, мазкур кўчмас мулк объекти савдолардан олинди.

*848А/19*



## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2015 йил 15 июль куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Фарғона шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 7 апрелдаги 15-1507/3031-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон тумани, «Ражабгарди» ҚФЙ, Жумабой қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 380,91 кв.м., фойдаланиш майдони 319,62 кв.м. бўлган, Тош майдалаш заводининг 0001-0006-литерлардаги бино-иншоотлари ҳамда 6 та турдаги ускуна (КДМ-1200 консулли майдалагич (дробилка), 250 кВт трансформатори, БРУ қориштиргич (мешалка), козловой кран, вибростол, электр пайвандлаш аппарати) мулкий мажмуа сифатида.

***Бошланғич баҳоси — 557 605 060 сўм.***

**2.** Марғилон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 6 августдаги 15-1410/6704-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Марғилон шаҳри, «Наврўз» МФЙ, Янги ҳаёт кўчаси, 8-«А» уйда жойлашган, ер майдони 5000,91 кв.м. ва 8-«Б» уйда жойлашган, ер майдони 5047,24 кв.м. бўлган бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 126 909 474 сўм.***

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 13 июль куни соат 17.00 да тўхтатилади.

2015 йил 30 июнь куни соат 14.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран қўйилмоқда:

**1.** Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 4423,78 кв.м., фойдаланиш майдони 1012,0 кв.м. бўлган, 0001-0016-литерлардаги керамзит базаси.

***Бошланғич баҳоси — 274 647 795 сўм.***

**2.** Марғилон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 4 августдаги 15-14-09/8109-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Марғилон шаҳри, «Янги обод» МФЙ, Али Қушчи кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 119,08 кв.м., фойдаланиш майдони 99,71 кв.м. бўлган, 0001-0003, 0005-0007-литерлардаги қозонхона бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 80 981 211 сўм.***

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 26 июнь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 20-хона. Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.**

Хизматлар лицензияланган.

*835R/34*


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Девони жамоаси Девон масъул ходими Зокиржон Равшанбекович Якубовга отаси

**Равшанбек ЯКУБОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти жамоаси етакчи илмий ходим, биология фанлари доктори, профессор

**Рискали ШОЯКУБОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси вазир ўринбосари Лазиз Нодирович Тўйчиевга падари бузруквори

**Нодир Жамалович ТЎЙЧИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Электромеханика ва автоматика кафедраси доценти, меҳнат фахрийси

**Ҳамидулло Набихўжаевич АҲРОРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 118 971 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

**МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.**
**Навбатчи — Д. Содиқов.**
**Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.10 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5